Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

30 ИЮЛЬ, ЖУМА

Сотувда эркин нархда.

№ 148 (643). 1993 йил.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИККИ КАТТА ДАВЛАТ—ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСТАҲКАМ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ АНИҚ ЙЎЛИГА ЎТИБ ОЛДИ



ИҚТИСОДИЁТНИ БИРЛАШТИРИШ ИИЯТИДА

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Алматига амалий ташрифи Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида жуда муҳим икки томонлама ҳужжатларни имзолаш билан якунланди.

Бу ҳужжатлар орасида энг асосийлари — 1994 — 2000 йилларда иқтисодий бирлашишни такомиллаштириш, айрим тўловлар, техникавий кредитга доир қарзларни қайта расмийлаштириш, етказиб берилаётган газ, электр қуввати ва нефть маҳсулотлари ҳақидан қолган қарзлар, озиқ-овқат учун дон етказиб бериш шартлари тўғрисидаги битимлардир.

Рўйхатдан кўриниб турибдики, Марказий Осиё минтақасидаги иккита катта мустақил республика икки томонлама муносабатларни кенгайтириш, мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик қилишнинг аниқ йўлига ўтиб олди.

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашув чоғида Нурсултон Назарбоев билан Ислом Каримов Қозоғистон пойтахтидаги учрашув натижаларига юқори баҳо бердилар. Мутахассислар гуруҳлари бир неча ой давомида тайёрлаган барча ҳужжатлар имзоланди. Бироқ, Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи протоколда қайд этилган жиҳатлар ва Қозоғистон Президенти билан яккама-якка суҳбат билан чекланиб қолмади. Делегациямиз қардош республика заминида ўтказган бир кундан кўпроқ вақтда жуда кўп қизиқарли воқеалар бўлиб ўтди.

Талгад туманидаги «Алматы» жамоа хўжалиги бутун Қозоғистонга машҳурдир. Кўп тармоқли хўжалик сўнгги вақтда уруғли картошка етиштиришга ихтисослаша бошлади. Бу ерда Голландия технологияси жорий этилган. Бу ҳақда Ислом Каримовга жамоа хўжалигининг раиси А. Смиков батафсил сўзлаб берди. Уч йил муқаддам 150 гектарлик пайкалда 600 киши ишлаган, ҳосилдорлик эса ўртача 40 центнарни ташкил этган. Ҳозир ҳосилдорлик 10 баравар ошди. Бунинг устига, шу ерда ишлаётган 16 киши ҳар гектаридан 50 тонна картошка олишни мўлжалламоқда.

— Бунга қандай қилиб, нималар ҳисобига эришяпсиз? — деб суриштирди Ўзбекистон Президенти хўжалик раисидан.

У батафсил тушунтиришга тўғри келди. Лекин унинг жавоблари Ислом Каримовни унчалик қаноатлантирмади.

— Қанча технологик операция ўтказасиз, уруғлик картошкани қанчалик чуқурга экасиз, мўл ҳосил олиш учун тупроқ қандай бўлиши керак, ер қачон етилади?..

Саволлар ёғилиб кетди. Қизғин суҳбатни индамай кузатиб турган Нурсултон Назарбоев гапга аралашди:

— Ислом Абдуғаниевич, раисни қийнаб юбордингиз, раҳмингиз келсин...

Лекин Каримов ўз мақсадига эришди: барча саволга батафсил жавоб олди. «Алматы»да ҳақиқатан ҳам жуда сара картошка етиштириладию! Сиф-силлиқ — битта ҳам қурт тушган жойи йўқ. Қишга сақлаш учун саралаш пайтида бир фоиздан камрогигина нобуд бўлади. Таъми тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Далада бўлиб ўтган бу суҳбатдан сўнг Қозоғистон Президенти жиддий равишда бундай деди:

— Бу йил биз Ўзбекистонга 200 минг тонна картошка етказиб берсак керак.

Бу — ҳар иккала томонга наф келтирадиган яхши, фойдали иш. Ўзбекистон Республикаси расмий делегациясининг амалий ташрифи азалий дўстона муносабатларда кўп жиҳатдан бурилиш нуқтаси бўлди. Эндиликда икки йирик давлат иқтисодиётини яқиндан бирлаштириш йўлига ўтиб олди.

— Олдинги тизимда қандай эди? — деди Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда. — Қўшни Ўзбекистондан биз Москва орқали пахта олардик. Биз етиштирган дон сизларга... Шимолий Кавказ орқали етиб борарди. Қанча қаражат қилинарди, минглаб одамларнинг қанчадан-қанча меҳнати беҳуда кетарди... Буларни ҳозир ҳисоблаб чиқиш қийин. Шу сабабли биз мустақкам иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга аҳд қилдик. Сизларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ўзимизда ҳам ишлаб чиқаришдан аста-секин воз кечамиз. Мисол учун олганда, икки қўшни ва қардош давлатда телевизор ишлаб чиқаришдан нима фойда? Иккала мамлакат бозорларини барча зарур маҳсулотлар билан тўлдиришга кафолат бўладиган ихтисослаштириш зарур.

Кўплар Каримов билан Назарбоевнинг учрашувини қандайдир янги Марказий Осиё уюшмасини барпо этиш, деб ҳисобладилар. Гўё бу икки йирик республика «ягона жабҳа»да сиёсий ва иқтисодий фаолият билан шуғулланиб, қўшни давлатларни эзиб ташлаб, Россия, Украина Беларусга ўз гапини ўтказмоқчи эмиш. Икки Президентнинг МДҲ давлатлари бошлиқларига мурожаатномаси бундай уйдирмаларга жавоб бўлди. Бирор томоннинг зўравонлигисиз мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик қилишгина муваффақият келтириши мумкин. Хуллас қандайдир сиёсий устомонлик тўғрисида гапиришга ҳожат йўқ.

— Ўз-ўзидан равшанки, Россияда янги рубларни жорий этиш ҳақидаги қарор билан боғлиқ пала-партишликлар иккала республика учун муайян қийинчиликларни вужудга келтиради, — деди Ислом Каримов. — Аммо, биз ҳозирча рубль зонасида қоламиз. Агар бизни мажбур қилмасалар, бу зонадан чиқмоқчи эмасмиз. Қирғизистоннинг тажрибаси жуда ибратли бўлди. Менинг фикримча, миллий валютага ўтиш — бу ҳам иқтисод демакдир. Маълумки, иқтисодчилар яхшилик билан тугамайди. Хуллас, тенг ҳуқуқлилик асосида мулоқот қилиш, бир-бирига ўзаро ҳурматгина рубль зонасидаги мамлакатларни ҳозирги қийин аҳволдан олиб чиқиши мумкин.

Бунга илова қилиб айтиш керакки, Нурсултон Назарбоев журналистларга расмий равишда пулни алмаштириш чоғида Қозоғистон фуқароларининг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслигини айтди.

...Йилқичилик — Қозоғистон учун анъанавий тармоқ. Маҳаллий корхоналарда етиштирилган зотдор арғумоқлар энг нуфузли совринларни олган. Бундан ташқари, зотдор отларни етиштириш республикага салмоқли валюта келтирмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон, Президентининг йилқичилик билан қизиққанлиги тушунарлидир. У Қозоғистон пойтахти яқинидаги «Панфиловский» давлат хўжалиги наслчилик заводини бориб кўрди.

Майдонга зотдор инглиз отлари ва беқиёс Ахалтекин отлари бирин-кетин олиб чиқилади. Навбатдаги тулпор Президентлар олдидан олиб ўтилганида Н. Назарбоевнинг қанчалик хурсанд бўлганлигини тушуниш мумкин. Наслчилик заводининг директори ҳар бир тулпорнинг насли, унинг машҳур аждодлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Шу пайт майдонда ажойиб бия билан тойчоқ пайдо бўлди.

— Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, биздаги анъанага кўра, юқори мартабали меҳмон тойларга ном қўяди, — деди наслчилик заводининг директори. — Бу ажойиб отнинг аждодлари медал билан тақдирланган. Унга «Ф» ҳарфи билан бошланадиган ном бериш, сўзнинг ўртасида албатта «г» ҳарфи бўлсин.

Бундай вазиятда кроссворд ечишда ном чиқарган мутахассислар ҳам ўзларини йўқотиб қўйишлари турган гап. Олдинига Каримов ҳам ўйланиб қолди, лекин бир дақиқадан сўнг жавоб қилди: Фарғона! Бунга жавобан қарсаклар янгради. Сўнгра Ўзбекистон Президентига зотдор от совға қилинди. Нурсултон Абишевич бу отнинг махсус паспортини топширар экан, бундай деди:

— Мана шу тулпор республикангизда зотдор йилқичиликка асос қўйсин!

Бу тафсилотлар айрим кишилар учун арзимас бўлиб туюлар, лекин аслида ундай эмас. Ўзбекистон делегациясини қозоқ диёрида жуда самимий кутиб олишди. Мана шу самимийлик ўзбек халқи билан яқин қўшниларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга интилишнинг далолатидир. Бу айниқса ҳозир, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жуда мўҳимдир.

Шундай қилиб, Ислом Каримовнинг Алматига расмий ташрифи тугади. Бу ташриф ҳамкорликнинг сифатли асосга қўйилган янги уфқларини очди. Алматы вилояти бўйлаб сафар чоғида «қўшнинг тинч бўлса — сен тинч!» деган гаплар бекорга айтилгани йўқ. Шунинг учун ҳам иккала Президент МДҲ давлатлари бошлиқлари кенгашини тезроқ чақиришни ёқлаб гапирдилар. Бу кенгашда қатъий муҳим муаммоларни, биринчи навбатда ягона иқтисодий ҳамкорликни сақлаб қолиш муаммосини ҳал қилиш зарур.

Ниҳоят, имзоланган ҳужжатлар орасида Ўзбекистонга Қозоғистон ғалласини кафолат билан етказиб бериш тўғрисидаги ҳужжатни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бунинг мазмунини тушинтиришга ҳожат бўлмаса керак...

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 июль куни Тошкентга қайтиб келди.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

УЙ БЕКАЛАРИ ИШЛИ БЎЛИШДИ

ШАҲРИСАБЗ трикотаж фабрикасида тикилаётган кийим-кечаклар жаҳон бозорида рақобатлаша олади.

ХОМ АШЁ Россия, Молдова ва қисман Андижондан келтирилмоқда. Бу йил фабрика болалар ва катталар учун беш миллионга яқин кийим-кечак тикиб чиқармоқчи.

Ҳозир бу ерда 450 ишчи — асосан уй бекалари меҳнат қилаяпти. Кейинчалик янги цехлар қурилиб, корхона янада кенгайгач, аҳолининг яна бир қисми ишли бўлади.

ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛДИ ДОН



Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» давлат хўжалиги деҳқонлари бу йил эришган кўрсаткич ёмон эмас, гектаридан 30 — 35 центнердан, арпа дони йиғиштириб олинди.

— Донни 20 иш кунида йиғиштириб олиб, ўрнига силос учун макка жўхори экдик, — дейди хўжалик сардори, халқ депутати Муродилла Саидов.

СУРАТДА: илғор комбайнчи Ҳайитбой Наврўзов.

«ШОҲЖАҲОН»ДА ЯПОН ДАСТГОҲЛАРИ

ДАНҒАРА туманидаги бу фирма аёллар ва болалар колготкаларини тикишга ихтисослашган.

ЯПОНИЯДАН келтириб ўрнатилган бир гирмата дастгоҳ унумли ишлаб турибди.

Корхона маъмурияти аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консерваланда зарур бўладиган қопқоқ ишлаб чиқаришга киришди.

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР

ЩАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

1993 йил 22 июль куни Москва шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ташқи разведка фаолияти соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида давлатлараро битим имзоланди.

Ушбу шартномада Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси давлатларининг хавфсизлигини таъминлаш, сиёсий, иқтисодий, мудофаа қудратини ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш борасидаги ишларда ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканликлари ифода этилган.

Шартномада томоиларнинг фаолият давомида тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига тўла риоя қилишлари таъкидланади.

МДҲ ДАВЛАТЛАРИНИНГ БОШЛИҚЛАРИГА

МУРОЖААТНОМА

Кейинги вақтларда МДҲ мамлакатларидаги иқтисодий ислоҳотларга, уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига беҳуда зиён етказилмоқда. Иқтисодиётни бирлаштириш соҳасида — куч-ғайрат сарфлаш, МДҲ доирасидаги ўзаро алоқаларни мувофиқлаштирувчи давлатлараро тузилмаларни барпо этиш соҳасида амалий ишлар қилиш ўрнига, айрим давлатларнинг минтақавий айирмачилиги, якка-ланиши тобора авж олиб бормоқда. Улар қўшни давлатларнинг иқтисодий манфаатларига зиён етказиб бўлса ҳам тангликдан мустақил равишда чиқиб олишга интилмоқдалар. Не машаққатлар билан эришилган аҳдлашувлар бирёқлама ҳаракатлар билан тез-тез бузилмоқда. Жумладан, давлатлараро банк тузиш тўғрисида бир қанча парламентлар томонидан тасдиқланган шартномага ўринсиз равишда ҳалақит берилмоқда ва оқибатда бу шартнома бажарилмай турибди. Биргаликдаги хавфсизликка оид шартнома, молия-кредит сиёсатининг келишиб олинган қоидалари писанд қилинмаяпти.

Мана шуларнинг ҳаммаси МДҲ давлатларининг турли-туман соҳалардаги баҳамжиҳат ҳаракат майдонини бузиб, уларга бевосита иқтисодий зарар етказмоқда, бунинг устига одамларнинг ҳафсаласини пир қилмоқда, ҳокимиятга ишончсизлик туғдирмоқда, ижтимоий кескинликни хатарли равишда кучайтирмоқда.

Биз воқеаларнинг шу тарзда ривожланиб боришидан ташвишланиб, сизларга ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг йиғилишини ҳеч кечиктирмай ўтказишни, унда қуйидаги масалаларни муҳокама этишни таклиф қиламиз:

1. Мувофиқлаштирувчи-маслаҳат комитети тегишли шартнома лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиққанини эътиборга олиб, иқтисодий иттифоқни ва унинг мувофиқлаштирувчи ташкилотларини тузишга оид қарор қандай амалга оширилаётгани ҳақида;

2. Давлатлараро банк тўғрисидаги битимни, энг аввало МДҲнинг тўлов иттифоқини яратиш асосида давлатлараро кўп томонлама ҳисоб-китобларни дарҳол амалга киритиш ҳақида;

3. Биргаликдаги хавфсизликка оид шартномани амалда рўёбга чиқариш ва МДҲнинг стратегик кучларн тўғрисидаги битимларнинг бажарилиши ҳақида.

Давлат бошлиқларининг учрашувини август ойининг бошларида Москва шаҳрида ёки бошқа шаҳарда ўтказиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Қозоғистон Республикасининг Президенти
Нурсултон НАЗАРБОЕВ
Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Алматы шаҳри,
1993 йил, 28 июль.

ТОЖИКИСТОН МУАММОСИ ЕЧИМИНИНГ БЕШ МУҲИМ ЖИҲАТИ

Алматы шаҳридаги олиймақом учрашувдан сўнг бўлиб ўтган матбуот конференциясида мухбирлар тожик-афғон чегарасида юзага келган танглик ва Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон раҳбарларининг бу муаммога муносабати хусусида саволлар беришди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу саволларга жавоб бераркан, муаммонинг беш жиҳатига муфассал тўхталиб ўтди.

Биринчидан, деди у Тожикистон билан Афғонистон чегарасида рўй бераётган эндигина ҳеч қачон катта куч тўпланиб, зўрлик йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Зўрлик ишлатиш аҳволни баттар чигаллаштириб юбориши мумкин. Бу муаммони фақат тинч йўл билан музокаралар воситасида ҳал этиш зарур.

Масаланинг иккинчи муҳим жиҳати шуки, деди Ислом Каримов, Тожикистон — мустақил давлат, унинг раҳбарияти мамлакатнинг ўзига хос ва ўзига мос бўлган, ўз халқининг туб манфаатларига хизмат этувчи сиёсат юргизиши табиий. Ҳозир Тожикистон раҳбарияти мамлакат бошига тушган катта фожиадан чиқиб олиш йўлларини ахтаряпти. Биз, қўшни давлат вакиллари, тожик халқи тезроқ ўз диёрида тинч ва фаровон ҳаёт қуришини истаймиз. Тожикистон раҳбариятининг ўз юртида тезроқ тинчлик ва тотувлик ўрнатиш йўлидаги мустақил саъй-ҳаракатларини қўллаган ҳолда, баъзи бир масалаларда тавсия тарзида ўз мулоҳазаларимизни билдирсак, улар тўғри қабул этилади, деб умид қиламиз. Шу нуқтаи назардан қарасак, муаммони, яна таъкидлаб айтамиз, асло зўрлик йўли билан ечилмайдиган муаммони ҳал этишда Тожикистон тарафи биринчи навбатда Афғонистон раҳбарияти билан, агар керак бўлса, Покистон, Эрон ва шу минтақадаги бошқа қўшни давлатлар билан музокара йўлига ўтса, вазиятни қай тарзда ва қанчалик тез барқарор этиш йўллари ҳақида ўзаро фикр алмашса, айни муддао бўлур эди.

Муаммони ҳал этишга ёрдам берувчи учинчи жиҳат хусусида гапирар экан, Президент Ислом Каримов шундай деди: Тожикистон раҳбарияти ўз юрти келажагини ўйлайдиган, мамлакатда демократик жамият қуриш йўлини танлаган соғлом кучлар билан тезроқ мулоқотга ўтгани мақсул бўларди.

Бугунги кунда собиқ СССР ҳудудида қад ростлаётган мустақил давлатлар ўз конституциясини, жамиятининг, давлатчилигининг ҳуқуқий асосларини қайтадан қўриб чиқяпти ва демократик меъёрларга мослаяпти. Чунончи, демократик сайлов тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан қонунлар тайёрлаш ҳамда шу қонунларни қаётга татбиқ қилиш бугунги замон талабига жавоб берадиган иш бўлур эди. Агар шу нуқтаи назардан ёндошсак, Тожикистондаги ижтимоий тангликни бартараф этишнинг тўртинчи жиҳатига келамиз. Бунинг моҳияти шуки, Тожикистондаги вазиятни барқарор этиш учун куч сайини ўзгариб бораётган замон талабларига жавоб бера оладиган қонунлар ишлаб чиқишни тезлаштириш зарур. Янги жамият қуриш ва янги демократик сайлов ўтказиш йўлида турли сиёсий кучларнинг бошини қовуштириш, жамоатчиликни ана шу олижаноб мақсадларга жалб этиш, бизнинг фикримизча, ғоят мақсул иш бўлур эди.

Албатта, бизлар тожик-афғон чегарасига икки давлат ўртасидаги чегара деб эмас, балки мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг чегараси сифатида қараймиз, деди Ўзбекистон Президенти. Муаммо ечимининг бешинчи жиҳати шундаки, ялпи ҳавфсизлик шартномасига имзо чекkан мамлакатлар чегарани мустеҳкамлашга кўмаклашиши керак. Лекин ҳар бир давлат, энг аввало, ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий ва ҳам дипломатик кучларига таяниб, муаммони ҳал этишга қаракат қилгани маъқул.

Президент Ислом Каримов Тожикистон халқи ва раҳбарияти вужудга келган муаммоларни босиқлик ва ақл-заковат билан, тинчлик ва адолат йўли билан ҳал этишга қодир, деб ишонч билдирди.

(ЎзА).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Тошкентда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилот ва идораларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Анжуманда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилиши ҳамда республика халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йил биринчи ярмидаги иш якунлари муҳокамасига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда сўзлаган нутқида баён этилган фикрлар асосида вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

Вилоят ҳокими С. Сайдалиев шу ҳақда маъруза қилди. Музокарада сўзга чиққанлар шу йил биринчи ярми иш якунларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиб, эътиборни йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратди.

* * *

Қашқадарё вилоят фаолларининг Қаршида бўлиб ўтган йиғилишида ҳам ана шу масала муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Т. Ҳидиров фаоллар ҳузурида сўзга чиқди.

(ЎзА).

Мустақиллик ва матбуот

Тарихий жараёнларни бошдан кечиряпмиз. Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида жиддий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда туб бурилишлар ва инқилобий янгиланишлар юз бермоқда. Ана шу нуқтаи назардан қарағанда биз ўта масъулиятли ва айни пайтда фахрли вазифаларни адо этишга масъул этилганмиз.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий жараёнлар тобора тезлашмоқда. Жамиятни ҳар томонлама ислоҳ қилиш, сиёсий, иқтисодий, ва маънавий жиҳатдан янги йўналишга буриш, бозор иқтисодига ўтиш, ҳуқуқий демократик давлатни вужудга келтириш, фуқаролар жамиятини шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини таъкидлаш лозим. Ана шундай бурилиш даврида оммавий ахборот воситаларининг ўрни, вазифаси хусусида ҳар галгидан ҳам кўпроқ ўйлаш, унинг тақдири билан қизиқиш катта аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислом Каримов фаолиятида республика вақтли матбуоти, нашрлиги муҳим ўрин тутади. Президент мамлакат раҳбарлиги лавозимига сайланган кунларданоқ журналистлар ҳаёти ва ижодига, уларнинг машаққатли меҳнатига катта эътибор бериб келди. Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида юз берган иқтисодий танглик, қоғоз, босмахона ҳаражатлари, алоқа ва транспорт хизмати ҳақининг кескин ошиши натижасида газета ва журналларнинг чиқиши жиддий хавф остида қолганлиги маълум. Ўтган йили Президент мурувватн билан давлат жамғармасидан юз миллион сўм ажратилди. 1993 йилда эса фақат матбуот ва журналистлар, барча матбаа ходимлари манфаатига тегишли қатор ҳужжатлар қабул қилинди. «1993 йилда республикада газета ва журналлар нашр этишни ташкил этиш масалалари тўғрисида», «1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб қалам ҳақи, саҳналаштириш ва ижрочилик ҳақи ставкалари ҳамда миқдорларини ошириш ҳақида», «Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қарор ва фармонлар ана шулар жумласидандир.

Шу йилнинг 27 июнида Ўзбекистон журналистлари илк бора ўзларининг касб байрамларини тантанали нишонладилар. Ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» республика жамғармаси ташкил этилди. У турли соҳаларда, хусусан матбуотда хизмат қилаётган иқтидорли ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва ижодий рағбатлантиришга кўмаклашади. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, матбуотга бунчалик кўп ва кенг миқёсли ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимиз тарихида илк бор юз бермоқда. Бу бежиз эмас. Оммавий ахборот воситалари давлат ва ҳукуматнинг инсонпарвар, ислоҳотчилик сиёсатини оммага етказишда энг ишончли ва ҳозиржавоб, самарали ва халқчил восита бўлиши керак.

Президентимиз янги уй қурмай туриб эскисини бузмаслик лозимлигини уқтирар экан, мавжуд имкониятлардан, йиллар мобайнида тўпланган тажрибалардан унумли фойдаланиш, бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйиш, ўтмишни бутунлай қоралаш ва ундан воз кечиш ҳавфли эканлигини таъкидлайди. Юртбошимиз тарихимизни чуқур ўрганиш, уни холислик билан таҳлил этиш, маънавий ва маданий қадриятларимизни ҳар томонлама кенг ривожлантириш, ўзбеклар ва Ўзбекистоннинг маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан дунё таи олиши ниҳоятда муҳим эканлигини такрор ва такрор уқдирмоқда. Зотан матбаачилар меҳнатига ҳам ана шундай мезондан туриб қарашимиз ва баҳолашимиз лозим.

Россиянинг айрим газеталари, баъзи хорижий-оммавий ахборот воситаларида гоҳо Ўзбекистонда гўё «сўз эркинлиги» бузилаётганлиги, журналистларнинг «қисувга олинаётгани» ҳақида фикрлар айтилмоқда. Матбуотга бўлган муносабатни ҳар ким ўз қарнчи, ўз «андозаси» билан ўлчаши аён. Бундай даъволар билан чиқаётганларнинг муддаоси ҳам маълум. Республикамиз Иразиденти И. Каримов яқинда «Труд» газетаси саволларига берган жавобларида ушбу масалага ойдинлик киритганлигини эслатиб ўтмоқчимиз. «Ҳар қандай нашр одамларнинг муайян гуруҳи хоҳиш-иродасини ифодалайди, — дейди Президентимиз. — Хоҳлаймизми, йўқми, мутлақо мустақил газета бўлмайди... модомики, газета бирон-бир муайян сиёсий кучнинг ифодачиси экан... хориждаги бирор-бир номаълум манбадан озиқланаётган бўлса, табиийки, уни боқаётган кишиларнинг хоҳиш-иродасини ифодалайди». Шундай экан, сўз эркинлигининг бўғиб қўйилаётганлиги ҳақидаги фикрлар асоссиз ва бир ёқламадир.

Ўзбекистоннинг ўз миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифаси қўйилган экан, ўз миллий матбуотимиз назарияси ва амалиёти масалаларини пухта ишлаб чиқиш ўзбек журналистикаси тарихи ва назарияси билан шуғулланувчи илмий даргоҳлар, олимлар ва мутахассисларимиз олдидаги долзарб муаммолардан биридир. Чунки ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз етмиш йилдан ортиқ халқимизнинг руҳига ёт коммунистик мафкура сиртмоғида бўлганидек, матбуотимиз ҳам маълум ғояларга бўйсундирилди, журналист кадрларимиз ҳам мана шу руҳда тайёрланди. Шукрлар бўлсинки, бу руҳ, бу тарбня томир-томиримизга сингиб кетмаган экан. Журналистларимизнинг истиқлол ғоясининг ишончли ва ҳозиржавоб ташвиқотчиларидан бўлганлиги фикримизнинг далилидир. Лекин мустамлакачилик қолдирган асорат ижтимоий-сиёсий қарашларимизда, онгимизу фикрнмизда, шу жумладан матбуотнинг вазифасини тушунишимизда бутунлай барҳам топган эмас.

Матбуот — энг адолатли солнома. Демак, унинг ҳар бир саҳифаси тарихнинг ҳақиқий муҳри, ҳар бир сўзи эса ҳақиқат ифодаси бўлмоғи керак. Шундай экан у ҳамиша воқеа-ҳодисаларни ҳушёрлик ва сезгирлик билан кузатиши, унн адолат ва ақл тарозуси билан баҳолаши, жараёнларни сохталаштирмай, кўпиртирмай, ҳудди ҳаётдагидек баён этиши зарур.

Ўзини ана шу мустақил юртнинг фуқароси, ана шу заминнинг эгаси деб билган ҳар бир журналист истиқлолдай буюк неъматни асраб авайлаши, уни нуқсонлардан ҳалос этниш лозим. Бунинг учун қунт, тажриба, ўқув, салоҳият керак. Матбуотда берилаётган мақолалардаги кўпсўзлик, воқеа-ҳодисаларнинг юзасида қалқиб юриш, унинг таг-заминида ётган, ҳал этилиши муҳим бўлган жиҳатларни ўрганмай нуқтадонликка зўр беришга интилиш ўқувчи ғашига тегади, унинг ҳафсаласини пир қилади. Сўзамоллик қилгандан кўра, масалалар моҳиятини чуқурроқ ўрганиш, унинг ечимини топишни кенг ташвиқ қилиш, янгидан-янги концепциялар ишлаб чиқишга кўмаклашиш лозим. Тўпланиб қолган муаммолар ва айрим нуқсонлар ҳақида дод-фарёд кўтариш ҳамманинг қўлидан келади ва бу билан ҳеч нарса ўзгармайди. Бундай пайтда масалага ақл-идрок билан ёндошиш, эҳтиросларга берилмай оғир-вазминлик билан иш тутиш, уларни ҳал этиш чораларини излаш, янги-янги таклифларни ўртага ташлаш, энг мақбул тадбирларни аниқлаб олиб, қўллаб-қувватлаш чинакам инсонпарвар журналистнинг вазифасидир. Бугунги кун ҳар бир қалам аҳлидан ана шундай фаолликни, жонкуярликни талаб этади.

Олдимизда турган вазифаларнинг ниҳоятда улканлиги, қилиниши зарур бўлган ишлар қўламининг кенглиги оммавий ахборот воситалари фаолиятига синчковлик билан назар ташлашни, ютуқларни оммалаштириш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чораларнни излаб топишни, имкониятлардан тўлароқ фойдаланишни тақазо этмоқда. Ана шу нуқтан назардан вилоят газеталари республика журналларини назардан кечиришга ҳаракат қилдик.

Умуман олганда вилоят газеталари ҳозирги куннинг муҳим воқеалари, кенг миқёсли ислоҳотларнинг боришига эътибор билан қараб келмоқда. Андижон вилоят газетаси Президент И. Каримовнинг беш принципига махсус сонлар бағишлади. Ҳар бир сонда Президентимизнинг дунё сиёсатчилари диққатнни тортган ва улар томонидан юқори баҳоланган тамойиллари ҳақида атрофлича мулоҳаза юритилди. Фарғона ва Наманган вилоятлари газеталари эса «Фармон ва ижро» рукни билан жойларда Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари қандай бажарилаётганинн мунтазам ёритиб бормоқда. Бу ана шу ҳудудда ижтимоий адолатнинг тикланишига, давлат сиёсатининг инсонпарварлик ғояларини кенг ташвиқ қилишга, шу асосда мустақиллик моҳиятини тўғри англаб, чуқур тушунишга ёрдам бермоқда.

Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиш, мамлакатни ҳар томонлама тараққий топтиришдек оғир ва масъулиятли ишда ғайрат кўрсатиш, соғлом фикрлайдиган ҳар бир журналистнинг бурчндир. Ана шу жиҳатдан қараганда «Мулоқот» журнали фаолияти диққатга сазовор. Журнал Президентнинг мустақил давлатни бошқариш ва уни такомиллаштириш, ҳуқуқий-демократик давлатни вужудга келтириш, фуқаролар жамиятини шакллантириш борасидаги кўрсатмалари, катта сиёсий дастурий аҳамиятга эга бўлган китоблари юзасидан республикамиз йирик олимлари, мутахассислари, назариячи ва амалиётчилари, адиблари иштирокида давра суҳбатлари, илмий-назарий мақолалар бермоқда. Уларда Президент сиёсатининг мазмун-моҳияти очиб берилади, ундан келиб чиқадиган хулосалар ва аниқ амалий таклифлар ўртага ташланади.

«Саодат» журнали ўзининг мавзу ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. У кундалик ҳаётимизда юз бераётган муаммоларни асосли тарзда таҳлил этаётгани, аёллар дарди, ташвиши ва орзу-умидини яна ҳам кенгроқ камраб олишда нжобий натижаларга эришаётгани эътиборга лойиқ. Уни варақлаган ўқувчи ҳам ғоявий, ҳам эстетик завқ олади.

Лекин вилоят газеталари ва республика журналларининг ҳаммаси ҳам бир хнл савияда чиқаётир деб бўлмайди. Газета янгиликлар ҳақида хабар берувчигина эмас, у ижтимоий онгни ўстириш, шакллантириш, комил инсонни тарбиялаш, воқеликни холис, адолатли ёритиш, давлат сиёсатини тўғри талқин қилиш воситаси ҳамдир. Президент фармонларини, ҳукумат қарорларини газетада бериш, муайян масала бўйича бир-иккита саҳифа ёки рукн ташкнл этиш билан газета зиммасига юклатилган вазифа бажарнлган ҳисобланавермайди. Ҳолбуки, «Қашқадарё ҳақиқати», «Хоразм ҳақиқати», «Тошкент ҳақиқати» газеталари ҳудди шундай таассурот қолдиради. Бу нашрларнинг нқтисодий мавзулардаги чиқишлари қуруқ, кўпроқ баёндан иборат бўлиб қолмоқда. Сиёсий шарҳлар, мусоҳаба, баҳс-мунозаралар газета саҳифаларидан деярли ўрин олмайди. Долзарб мавзулардаги чиқишлар кўпинча юзаки, умумий, мавҳум гаплардан иборат. Муаммоларни чуқур таҳлил қилиш етишмайди. Ваҳоланки, республикамизнинг энг кучли назариячи ва амалиётчилари, ҳар томонлама етук зиёлилари Тошкентда яшаб фаолнят кўрсатишади. «Тошкент ҳақиқати» муҳаррнрияти эса уларнинг кенг имконнятларидан фойдаланолмаяпти.

Фикримизча, турғунлик замонларида кўп ишлатилган «Мўлчилик бўлсин учун», «Мавсумга шай», «Халқ манфаати йўлида», «Давр билан ҳамнафас» сингари шиорнома сарлавҳалар, рукнлар билан ҳозир газетанинг савиясини кўтарнш мумкнн бўлмаганидек, газетхонларнинг меҳри, қизиқишини ҳам қозониб бўлмаслиги аён.

«Хоразм ҳақиқати» газетаси уч ой давомида Президент фармонлари ижроси ҳақида фақат нккита мақола эълон қилган, холос. Газета сонлари бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Жанрларда бир хиллик кўзга ташланади, мутахассисларнинг чиқишлари жуда кам.

Ҳаққоннйлик — вақтли матбуотнинг бош прнципи. У ҳеч қачон бир кишн ёки бирон гуруҳ манфаатини кўзламаслиги, аксинча, аҳоли асосий қисми эҳтиёжларинн ҳимоялаб, унга хизмат қилиши керак. Мустақилликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш республика аҳлининг орзу-мақсадига айланган қийин ва машаққатли бир шароитда Навоий вилояти «Знамя дружбы» газетасига ўхшаган нашрларда эскнча яшашни қўмсаш кайфияти йўқ эмас. Айрим газеталар миллий истиқлол мафкурасини яратиш, уни шакллантириш ва омма онгига сингдириш ўрнига аҳоли фикрнн чалғитнш билан ҳам шуғулланмоқдалар. Мамлакатда барқарорликка эришиш ҳақидаги сиёсатни барча газеталар оқилона тарғиб қилаётган бир пайтда «Знамя дружбы» газетаси Президент фармонларинпнг ижроси ҳақида чуқур таҳлилий мақолалар бериш ўрнига собиқ СССРни улуғлашга мойил ажабтовур чиқишлар қилмоқда. Муаллифлардан бири собиқ совет қўшинларн ҳақнда «Сени сақлаб қололмаганлигимиз учун бизни кечнр, Армиям» деб хитоб қилади.

Газетада Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ҳақида лом-мим дейилмайди. Лекин Григорий Сулимин мақоласнда «Ҳар куни телевидение орқали Туркия кўрсатувлари намойиш қнлинади. Русзабон аҳолн, ҳаттоки, ўзбекларнинг ўзлариям туркларни тушуншмайди...

Бизни қутқарувчи йўл — Россня ва МДҲнинг бошқа давлатлари билан мустаҳкам алоқа. Бизни тарих улар билан боғлаб турадн, туркдар ва ёки бошқа давлатлар билан эмас», дея Ўзбекистоннинг Туркия билан дўстона алоқасига тўғридан-тўғри қарши чиқади.

Газета таҳрнрнятн «бу бир муштарийнинг фикри» дея жавобгарликдан осонгина қутилиб кетиши мумкин. Ҳолбуки ҳар бир газета муҳаррир ва ана шу ижодий жамоа дунёқарашининг акси ҳамдир. Бундай ғоявий чекинишлар «Сирдарьинская правда», «Наманганская правда» газеталарида ҳам содир бўлмоқда. Уларнинг бири ҳукумат қарорларини бериб, остидан таҳрнрият номидан анча «тагдор» изоҳ берадики, ўқувчида қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисида нотўғри тушунча ҳосил бўлади. Иккинчиси эса, вилоят муаммолари, ислоҳот масалалари, халқ ташвишини бутунлай унутиб юборади. Умуман Ўзбекистонга даҳли бўлмаган, ҳорижий мамлакатлар нашрларидан катта-катта мақолалар кўчириб босилмоқда. Улар ғоявий жиҳатдан номуносиблиги сабабли маҳаллий аҳолини чалғитади. «Қашқадарьинская правда» газетаси ҳам ана шундай анъанани давом эттирмоқда.

Ҳаёт муаммоларини ойдинлаштиришда, Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли «ёқмаганларга» жавоб беришда матбуотнинг роли катта. Бу масалада матбуотимиз ҳамиша ҳам лозим даражада собитқадамлик, тезкорлик кўрсатаяпти, деб бўлмайди. Ҳаётий муаммоларни оммага тушунтиришда сусткашлик, рақибларимизга жавоб қайтаришда баъзан далнллар тошиининг енгиллиги кўзга ташланади.

Кейинги бир неча йил давомида айрим мустақил республикаларда нотинчлик рўй бераяпти. Ўзбекистондаги бошқа миллат вакилларида ҳам қандайдир иккиланишлар рўй бериши мумкин. Матбуот мана шундай ҳоллар юз берган тақдирда унинг ўринсизлигини акс эттирнши, аҳолининг барча қатламларн давлат, ҳукумат ҳимоясида эканлигини тушунтириб бориши даркор.

Деярли барча газеталар жиноятчилнкка қаршн курашга эътиборни кучайтирди. Аммо бу эътнбор жиноят содир этилганлиги ёки қонунбузарларга қандай жазо берилганлигини хабар қилиш билангина чекланиб қолмаслиги керак. Молпарастлик ва бойликка рўжу қўйиш кайфняти кучайганлигини эътиборга олиб, ҳалоллик ва покликни улуғлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Қонунбузарликнинг келиб чиқнш сабаблари, ижтимоий моҳияти чуқур таҳлил қилиниши, уни барҳам топтириш йўллари ҳақида мушоҳада юритилиши керак.

Республикамизда айни пайтда 65 журнал нашр этнлмоқда. Уларнинг 20 дан ортиғи ижтимоий-сиёсий, абадий-бадиий, илмий-оммабоп, бадиий-безакли ойномалардир. Улар ҳаётни атрофлича қамраб олншга, юз бераётган ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни теран идрок этиб, бозор иқтисодиётига ўтиш, жамиятни нслоҳ қилиш, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати соҳасидаги жиддий ўзгаришларн маҳорат билан ёритишга интилмоқда.

Лекин бу журналлар фаолиятида камчиликлар йўқ дегани эмас. «Гулистон» ойномасининг сўнгги сонларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология, санъат, маданият, қишлоқ хўжалиги, миллий анъаналарни ривожлантириш, ёшлар муаммолари масалаларига доир қатор мақолалар эълон қилнди. Бнр қарашда журнал замон билан ҳамқадам бораётгандек. бугунги кунинг анчагина муаммоларига муносабат билдираётгандек кўринади. Ундаги материалларга чуқурроқ назар солсангиз, масалаларга ўта жўн ва юзаки ёндашилаётганининг гувоҳи бўласнз. Ваҳоланки, республика Президенти ва ҳукуматининг фаолияти, олиб боралаётган ички ва ташқи сиёсат алоҳида ўрганиш ва ташвиқ қилишда бош мавзу бўлиши керак эди. Ижтимоий-сиёсий йўналишдаги журнал бизнинг назаримизда ҳозирги туб ислоҳотлар ва инқилобий ўзгаришлар даврининг ойнаси бўлмоғи даркор. Афсуски, таҳрирнят бу вазифани бажаряпти, деб айта олмаймиз. У ҳаётдан орқада қолмоқда, мавзулар доираси тор, жамоа эскича андоза билан ишлаяпти.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда янги давр бошланди. Миллий қадирятларимиз ва анъаналаримнз тикланмоқда. Ана шу нуқтан назардан қараганда «Нафосат» журнали зиммасига масъулиятли вазифа юкланган. Ойномада санъатимиз тарнхи, бугуни ва истнқболига доир қатор мазмунли ва мушоҳадали мақолалар эълон қилингганлигини ҳисобга олсак долзарб масалаларни кўтариб чиқишга иштиёқ бор эканлигини сезиш қийин эмас. Бироқ ўзбек миллий санъати истиқболи ҳақидаги, уннинг унутнлаёзган анъаналари ҳақидаги мақолалар кам берилмоқда.

Ҳаётимиздаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ва муҳим янгиликларга ўз вақтида муносабат билдириши, тегишли материаллар унинг саҳифасидан ўрин олмоғи зарур. Маълумки, санъат, маданият, адабиёт мафкурасининг асосини ташкил этади. Миллий мафкура вужудга келаётган ва у ҳақда қизғин мунозара давом этаётган бир пайтда ойнома бу мавзудан четда туриши мумкин эмас.

Ҳар бир нашр ўз вазифаси, ижтимоий ҳаётда тутган ўрнидан келиб чиқиб, иш юритади. Акс ҳолда у ўз мақсадига эриша олмайди. Ана шу нуқтаи-назардан қараганда «Ёшлик» журнали ёш ижодкорларга катта ўрин ажратиши, зиёлилар билан мустаҳкам алоқа боғлаши, янги номларни кашф этишга, йигит-қизларни умуминсоний қадриятларга содиқлик, маънавий меросимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериши даркор.

Афсуски журнал саҳифаларида мавзу торлиги кўзга ташланиб қоляпти. Биз нинг миллий қарашларимиз ва турмуш тарзимизга зид бўлган 80-йилларда Ғарбда катта шов-шувларга сабаб бўлган ва сийқаси чиққан қаҳрамонлар билан суҳбатлар, «Гиннес» рекордлари таржима қилиниб босилмоқда.

Ўзбекистон жаҳонга юз тутаётган, халқаро минбарларда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлаётган бугунги кунида чет эллар билан алоқа қиладиган турли ихтисосдаги кадрлар етиштириш, дипломантлар тайёрлаш каби ечимини кутаётган масалалар кўп. Уларни ҳал этишга кўмаклашиш зарур. Афсуски, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси нашри бўлган «Ёшлик» ҳам, «Ёш куч» ва «Сирли олам» журналлари ҳам бу борада сезиларли иш қилмаяпти.

Миллийлик, миллий ғурур, миллий ўзлнгини англаш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат тили ва у тўғрисидаги қонуннинг жойларда бажарилиши барча нашрлар учун муҳим мавзу бўлиши керак. Ваҳоланки, нашрларнинг муҳаррирнятлари бу масалага жиддий эътибор бермаяптилар. Шунинг учун бўлса керак, давлат тили, унинг мақоми, ўқитилиши, ҳаётга жорий этилиши ҳақида мақолалар онда-сонда эълон қилинаяпти.

Икки оғиз нашр муассисларининг вазифалари ҳақида. У муҳаррирнятнинг моддий-техник таъминоти билангина эмас, ижодий жамоани маънавий рағбатлантириш, ғоявий камолотга эришувн билан ҳам шуғулланиши лозим. Шунга эрншиш керакки, ҳар қанд нашр тегишли қонунлар доирасида фаолият кўрсатиб оммага ҳақиқий ва холисона ахборот берсин.

Истеъдодлар миллат бойлиги, халқ нфтихори, мамлакат шавкати. Улар ҳар куни туғилмайднлар. Ана шу жиҳатдан қараганда иқтидорли журналистларни асраб-авайлаш, ёш истеъдодларни тарбиялаш, ҳар қандай оғишлардан сақлаш зарур. Бунинг учун барча муҳаррирнятлар ва уларнинг муассислари билан бнрга республика журналистлар уюшмасининг фаолиятнн такомиллаштириш, чинакам ижодий муҳит барқарор этиш лозим. Токи улар ҳар бнр истеъдод учун масъул ва жавобгар эканлигнни тушунсин.

Бугунги қуннинг улкан вазифалари қалам аҳлининг ҳар томонлама баркамол, ғоявий жиҳатдан етук бўлишини талаб этмоқда. Керакли билим, малака ва савияга эга бўлмай турнб истиқлол мафкураси учун хизмат қилиш қийин. Чамаси бнрхил мавзуда қалам тебратадиган журналистларнинг ўзаро тажриба алмашишларини ташкил этиш, ўқув-семинарларини уюштириш иш тажрибаларини оммалаштириш фойдадан холи эмас. Йирик мутахассислар, вазирларнинг журналистлар билан мулоқотларини ўтказиб туриш лозим. Балки малака ошириш мактабини очнш даркор бўлар. Таъбир жоиз бўлса нашрлар уртасндаги ижодий ҳамкорлнкни кучайтириш, оммавий ахборот воситалари материаллари сифатини яхшилашга катта ёрдам беради.

Очиқ гап, матбуот бугунги ҳаётимиз, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларнга чуқур кириб боролмаяпти. Аҳолисининг асосий қисми қишлоқларга яшайдиган аграр мамлакатда қишлоқ хўжалнги масалалари юзаки ёритилмоқда. Деҳқон ҳаёти, унинг қарашлари, хўжалик ва бошқарувни ислоҳ қилишнинг самаралари ҳақидаги мақолалар кам.

Табиийки матбуотда мавзуларнинг ранг-баранглиги, берилган материалларнинг сифатли бўлиши журналист кадрлардан алоҳида тайёргарликни талаб этади. Бу кенг миқёсли ишни бир мухбир тўла эгаллаб олиши қийин. Шунинг учун матбуотимиз ходимлари соҳалар бўйнча ихтисослашнсса, маълум бир тармоқнн ҳар жиҳатдан чуқур ўрганнисса яхши бўларди.

Ўзбекистон матбаачилиги ўз тарихи, анъаналари ва мактабига эга. Ана мактаб сабоғини олиб, анъаналарини давом эттираётганлар, баҳоли қудрат ижод қилаётган журналистлар кўп. Уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб туриш даркор. Публицистнкада маълум йўналишга, ўз услуби ва мактабига эга бўлган ижодкорлар жуда оз.

Мамлакатимиз ҳар жиҳатдан ўз нмкониятларини жаҳон миқёсига олиб чиқаётган, ўзини дунё минбаридан туриб намойиш қилаётган бир пайтда ўзбек миллий матбуоти ҳам ўз ўрнига ва овозига эга бўлса нур устнга аъло нур бўларди. Шунда ўзбек журналисти сўзининг салмоғи, матбуотининг нуфузи ошарди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов республика журналистларига, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига миллий матбуот куни муносабати билан йўллаган табригида: «Сўз — ҳам кучли, ҳам кескир бнр қуролднрки, уни эҳтиёткорлик билан, оқилона ишлатмоқ зарур. Бу қуролни ннятн пок мақсади ҳалол, Ватанимизни, эл-юртимизни севиб хизмат қилишга бел боғлаган инсонларга топшириш лозим», деган эдн. Бу ҳар бир қалам аҳли учун дастур бўлмоғи лозим.

Аббосхон УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими.

ЮРАКЛАРГА ЕТИБ БОРСИН ҲАР БИР СЎЗИМИЗ

Жаҳон 24 соат ичида

Туркия Арманистон-Озарбайжон можароси зонасига БМТ кучлари жойлаштирилишини талаб қилади, деди кеча мамлакат Бош вазири Тансу Чиллер.

Туркия ҳукумати бошлиғининг таъкидлашича, у Озарбайжонга ёрдам бериш учун Ғарб давлатларининг раҳбарлари билан музокара ўтказмоқчи. «Туркия арманларнинг Озарбайжонга қарши тажовузини бепарво кузатиб тура олмайди, арманларнинг ҳужумларини тўхтатиш чораларини кўриш зарур», — деб таъкидлади Т. Чиллер.

* * *

Вашингтонга расмий ташриф буюрган Украина мудофаа вазири К. Морозов ҳарбий маҳкама раҳбари Л. Эсини томонидан қабул қилинди ва унинг биринчи ўринбосари У. Перри билан музокара ўтказди.

Пентагон вакилининг маълум қилишича, Украинадаги ядро қуролларини тугатиш муаммолари муҳокама қилинган.

Украина вазири АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси С. Тэлботт билан ҳам учрашди.

* * *

Лондонда инглиз-француз учрашуви бўлиб ўтди.

Унда бош вазир Ж. Мейжор Президент Ф. Миттеран ва Франция ҳукуматининг бошлиғи Э. Балладюр билан кўпгина снёсий, иқтисодий ва ҳарбий муаммоларни муҳокама қилди.

* * *

Кеча Исроил самолётлари Ливанга 30 марта ҳужум қилди.

Мамлакат жанубидаги, Ғарбий Бекаадаги шаҳарлар ва манзилгоҳлар, фаластнн қочқинларининг денгиз соҳилидаги лагерларига бомбалар ёғдирилди. Бомбардимонлар бошланганидан буён тинч аҳоли орасида салкам 90 киши нобуд бўлди, 200 дан ортиқ киши жароҳатланди.

Ливан ҳукумати Исроилнинг узлуксиз тажовузкорлиги муносабати билан БМТ хавфсизлик кенгашини шошилинч равишда чақиришни талаб қилди.

* * *

БМТ бош котиби Бутрос Ғолий Исроил билан Ливан ўртасидаги муносабатда зўравонлик кучайиб бораётганини қораладн ва томонларни назминликка чақирди.

БМТ бош котибининг расмий вакили Жо Силлс душанба куни шу хабарни тарқатди.

БМТнинг Ливандаги муваққат кучлари қўмондонига иккала томон билан ҳам алоқа ўрнатиш ва уларни вазминликка чақириш ҳақида фармойиш берилди.

* * *

Босния мусулмонларининг қўшинлари стратегии жиҳатдан муҳим шаҳар — Бугойнони тўла-тўкис назорат қилдилар.

Хорватларнинг қолган-қутган қўшинлари асир тушди. Шу билан мусулмонлар кейинги ҳафталарда хорватлардан тўртинчи йирик манзилгоҳни тортиб олишди.

* * *

Афғонистон 13 июль куни Россия чегарачиларига қилинган ҳужумга ўзининг дахлдорлигини инкор этди ва Тожикистон билан чегара муаммосини тинч бартараф қилишга чақирди.

Афғонистон Ташқи ишлар вазири Ҳидоят Амин Арсалланинг бугун БМТ қароргоҳида тарқатилган хатида шундай дейилган.

* * *

БМТнинг Сомалидаги кўп миллатли нучлари таркибига кирувчи Америка ҳарбий хизматчилари нока ночаси қуролланган уч кишини ўлдирдилар.

Бу тўқнашув Сомали пойтахтининг генерал Муҳаммад Фарах Айдид жангарилари назорати остидаги жанубий қисмида содир бўлди.

* * *

Никарагуа Президенти Виолета Баррнос Де Чаморра мухолифатнинг муддатидан аввал сайлов ўтказиш ҳақидаги таклифини рад қилди.

Айни вақтда у мамлакатни снёсий ва иқтисодий бўҳрондан олиб чиқиш учун ўзининг иқтисодий снёсатига тузатиш киритишга тайёр эканини билдирди.



Фотоэтюд.

Ойнаи жаҳонда кўринг

Душанба, 2. VIII

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Бурч».
18.40 «Тилларанг ришталар жозибаси». Телефильм.
18.55 «Қишлоқ ҳаёти». Фарғона вилоятидан кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қалб садолари». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 Вилоят театрларида. Илҳом Ҳасанов. «Бир кам дунё». А. Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар драма театрининг спектакли.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Ассалому алайкум» (такрор.).
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.50 «Билиб қўйган яхши».
21.10 «Парвоздаги турна». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 К. Гоцци. «Қарға». Москва академик сатира театрининг болалар учун фильм-спектакли.
10.20 «Мавзу».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Гол».
* * *
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Иш».
15.20 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
15.45 «Янги номлар». К. Лифшиц чалади (фортепиано).
16.00 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 16-кўрсатув.
16.20 «Иқболи кулганда».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «Палитра».
18.00 «Гол».
18.30 «Ҳафтанинг акс садоси».
19.00 А. П. Чеховнинг охирги пьесаси.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Тутун». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Россия, Германия, Швейцария).
21.35 «Спорт уик-энди».
21.50 «Янги студия» таништиради: «Джем-сейшн». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 Россияда бизнес.
8.30 «Лидия Русланова. Зое кетган беш йил». 1-кўрсатув.
9.15 Тонгги концерт.
9.30 Мутлақо махфий.
10.25 Мульти-пульти.
10.45 Хонаки экран. «Менинг укам». Бадиий фильм.
12.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.50 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сувга сакраш. Эркаклар. Шеффилддан кўрсатилади.
13.50 «Американинг ёввойи табиати». Кўп серияли телефильм премьераси.
14.20 Янгиликлар.
14.35 «Бола тилидан».
15.05 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги. 1-ўрин учун матч.
16.05 «45». Публицистик кўрсатув.
*
17.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.05 Душанба куни детектив «Лаки страйк» таништиради «Портлаш тўлқини». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» туркумидан.
20.00 Видеошеърият. «Давр дарёси». Г. Державин.
20.15 «Лад-галерея».
*
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.30 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.35 «Қутқариш хизмати-911».
22.30 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги.

Сешанба, 3. VIII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз..».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Эстрада тароналари.
7.50 Мутахассис маслаҳати.
8.00 «Шалпангқулоқ». Мультфильм.
8.10 «Билиб қўйган яхши».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 «Аёл қадри».
9.45 «Эрта тонг». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёш спортчилар».
18.40 «Халқаро анжуман». Телевизион киножурнал.
18.50 «Фан уфқлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали театри яккахонларининг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Билетлар сотилган». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг «Алдагани хотин яхши» спектакли ҳақида.
22.25 «Насриддин Хўжандда». Бадиий фильм.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Афшона — Ибн Сино ватани». Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Кинотриада».
21.00 «Оҳангларинг ҳамиша янграйверсин». Телефильм.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Тингланг, томоша қилинг...».
8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.35 «Инсон ва қонун».
9.55 Тула Давлат хорининг концерти.
10.15 «Сариқ дарё». Ўн серияли телевизион илмий-оммабоп фильм (Япония). 1-серия.
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 «Хайр, Мэри Поппинс». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.25 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
13.40 «Ээзи». Телефильм премьераси (Красноярск).
*
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».
14.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
16.05 Болалар телевидениеси уюшмаси. «Самарада таътиллар».
16.35 Объективда — жониворлар. «Дунё чеккасидаги уя». Илмий-оммабоп фильм.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Тожикистонда синалган» кўрсатувини таништиради.
18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Мулкдор алифбоси».
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Тутун». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
21.45 «Жексонлар оиласи: Американча орзу». Беш серияли телефильм премьераси. 1-серия (АҚШ).
22.45 А. Шнитке. Қадимий стилдаги сюита.
23.00 Янгиликлар.
23.40 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сувга сакраш. Трамплин. 3 м. Хотин-қизлар: Синхрон сузиш. Англиядан кўрсатилади.
00.35 «Латофат ва гўзаллик клуби».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Лидия Русланова. Зое кетган беш йил». 2-кўрсатув.
* * *
11.00 Мульти-пульти.
11.10 Кундузги сеанс. «Оқ Бим, Қора қулоқ». Бадиий фильм. 1-серия.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 «Оқ Бим, Қора қулоқ». Бадиий фильм. 2-серия.
14.30 Янгиликлар.
14.45 «Рост» студияси. «Юта» Саратовда».
15.15 «Бўйсунмас купина».
16.10 «Сайгон ҳақида чхая».
16.45 Миллий сиёсат хроникаси.
*
17.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.00 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 200-серия.
19.50 «Сизнинг ҳуқуқингиз».
20.05 «Асил ҳолича».
*
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Оддий воқеалар». Режиссёр Т. Чхеидзе билан интервью.
22.05 «Мусиқий имтиҳон таништиради...».
22.25 «Қисқаси». «Форум» гуруҳи.
22.55 Санкт-Петербург мусиқаси.

Чоршанба, 4. VIII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Халқ ижодиёти».
7.50 «Ялқов». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.15 «Сўзана ва чинни буюмлар». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Зомби» варианти». Бадиий фильм.
10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». Республика қўғирчоқ театрининг «Қувноқ шайтонча» спектакли ҳақида.
18.40 «Кўҳна ҳунармандчилик усталари». Телефильм.
18.50 «Тилга эътибор...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Заҳарли ўсимликлардак эҳтиёт бўлинг!».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. Замонавий ўзбек халқ қўшиқларининг «Анор» телевизион кўрик-танлови.
22.40 «Истиқлолим—истиқболим».
23.10 «Осмондан тушган мерос». Бадиий фильм.
00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 Телефильм.
18.50 «Билим сарчашмалари».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Халқ саломатлиги йўлида». Бевосита мулоқот.
20.50 Театр оламида.
21.35 «Қил устидаги ҳаёт». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Домисолька».
8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.25 «Савдо кўприги».
9.55 Москва Давлат симфоник оркестри ижро этади.
10.05 «Сариқ дарё». Ўн серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 2-серия.
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 «Хайр, Мэри Поппинс» Болалар учун телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.35 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
13.50 Мультфильм.
*
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
15.40 Бурятия куйлари ва тароналари.
15.50 «Технодром».
16.00 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.30 «Нижегород матрёшкалари». Телефильм.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Диаспора» кўрсатувини таништиради. Арманлар.
18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Миниатюра».
19.00 Курск жанги якунланганлигининг 50 йиллигига бағишланган кўрсатув.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Тутун». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Юлдузлар Римда учрашадилар».
23.00 Янгиликлар.
23.40 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сувга сакраш. Эркаклар. Англиядан кўрсатилади.
00.10 Тунги эфирда — «Тонг юлдузи».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Параллеллар».
8.15 «Бўйсунмас купина».
9.10 «Асил ҳолича».
10.05 «Ишбилармон киши».
10.35 «Ҳали англанмаган коинот».
11.10 Кундузги сеанс. «Бегоналар бу ерда юрмайди». Бадиий фильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 Қўшиқчи А. Новиков.
13.45 «Даниил — князь Галицкий». Бадиий фильм.
15.20 Янгиликлар.
15.35 Криминал хабарлар экрани.
16.05 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.50 Мульти-пульти.
*
17.00—18.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 201-серия.
19.40 Катталар учун мультфильм.
19.55 «Осойишталик № 9».
20.50 Спорт кўрсатуви.
*
21.00 Туркия телевидениеси Хабарлар.
*
21.25 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 «Ксюша ҳузурида».
22.00 «М-трест».
22.15 Мотопойга бўйича жаҳон чемпионати. Испания гран-приси.

Пайшанба, 5. VIII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Ёшлар куйлаганда».
7.50 Мутахассис маслаҳати.
8.00 «Типратикан, кучукча ва [illegible]ко». Мультфильм.
8.15 «Қувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида).
9.10 «Ёшлик» студияси. «Тежамкорлик сирлари».
9.40 «Шоҳсупа».
10.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Чор Бакир». Телефильм.
18.20 «Ҳикматлар хазинаси».
18.55 «Иқтисодий ислоҳот — давр талаби».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Осойишталик посбонлари». Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Мустақиллик мушоираси».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. Вилоят ёшлари телефестивали.
22.40 «Мукофотлансин (ўлимидан сўнг)». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Чингиз Ахмаров». Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Кинолавҳа.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 «Бу оқшомда».
21.35 «Пульс». Хабарлар.
21.45 Эълонлар.
21.50 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Мультфильмлар.
8.50 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.40 «Садовое кольцо»даги саройда».
10.10 «Сочи-93». Россия кинофестивалининг очилиши.
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 «Пўлат плацдарм». Телефильм. «Ғалаба стратегияси» туркумидан.
12.20 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
13.25 Мультфильм.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
15.40 «Қизлар ўртасидаги сир».
16.00 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар 17-кўрсатув.
16.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати Сузиш. Англиядан кўрсатилади.
17.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.30 «Око» студияси таништиради. «Дўзахни бошдан кечирганлар ҳақида хотира». Ҳужжатли фильм премьераси (Германия).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Мосфильм»нинг 70 йиллигига. «Александр Невский». Бадиий фильм (1938 й.)
22.25 С. Прокофьевнинг «Золушка» балетидан сюита.
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Ялта—Москва — Транзит-93». Эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг VIII телевизион танлови. 2-кун.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Тилла шпора».
8.30 «Илҳом ва гўзаллик париси». Зинаида Волконская 1-қисм.
9.15 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 200 ва 201-сериялар.
11.00 «Оловли уй». Телемарафон. Орёлдан кўрсатилади.
12.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.10 Россия телевидениесининг сара асарлари. «Оқ қарға».
13.55 «Параллеллар».
14.10 «Рус визаси».
14.40 «Рост» студияси намойиш этади.
15.10 Янгиликлар.
15.25 «Оловли уй». Телемарафон. Орёлдан кўрсатилади.
*
17.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.00 Хонаки экран. «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси 202-серия.
19.50 Мусиқий имтиҳон. Ёш ижрочилар танлови.
20.50 Спорт кўрсатуви.
*
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Кўҳна кинолардаги қўшиқлар».
21.55 Тунги сеанс. «Виадук». Бадиий фильм.

Жума, 6. VIII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Севги тароналари.
7.50 Мутахассис маслаҳати.
8.00 «Бир том остида». Мультфильм.
8.15 «Қувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 «Ёшлик» студияси. «Истеъдодларни излаймиз».
9.40 Халқ миллий ўйинлари.
10.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.25 «Куюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Успенский номидаги мусиқа мактаби ўқувчиларининг концерти.
18.35 Тижорат канали. «Тандирда ўт ўчмайди». Тошкент дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси иш фаолиятидан.
18.50 «Адолат». Ҳуқуқий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Мумтоз куйлардан концерт.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Маҳалла—маънавият маскани». Самарқанд вилояти маҳаллалари фаолиятидан.
22.20 Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Отахонов куйлайди.
22.50 «Нодир шахс». Бадиий фильм.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Мультфильмлар.
8.55 «Жиловни маҳкам тут». Болалар учун телевизион бадиий фильм.
10.00 «Тинчлик учун, бахт-саодат учун, меҳр-муҳаббат учун». Вокал-хореографик композиция (Житомир).
10.10 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Америка М. Таратута билан».
11.50 Г.-Х. Андерсен. «Иркит ўрдакча». Давлат қўғирчоқ Катта театри фильм-спектаклининг премьераси (Санкт-Петербург).
12.50 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал. 7 ва 8-сериялар.
13.50 Мультфильм.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
15.55 Г. Ф. Телеман. Альт ва торли оркестр учун концерт.
16.10 «Технодром».
16.20 «Рок-сабоқ».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Рус қайиннинг новдаси» кўрсатувини таништиради.
17.45 «Инсон ва қонун».
18.15 «Америка М. Таратута билан».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
20.40 «Детективлар клуби»да. «Суини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
21.35 «Телеёдномалар».
«ВИД» таништиради:
21.55 «Обоз»нинг махсус сони. Алена Апина.
22.45 «Авто-шоу».
23.40 «Мен деярли машҳурман». Танаффус пайтида (23.00) —Янгиликлар.
00.40 Уимблдон кортларида.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Оловли уй». Телемарафон. Курскдан кўрсатилади.
9.10 Россия қобусномаси. «Илҳом ва гўзаллик париси». Зинаида Волконская. 2-қисм.
9.55 «К-2» таништиради. «Абзац».
10.55 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 202-серия.
11.45 «Оқ қарға».
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.55 «Оловли уй». Телемарафон. Белгороддан кўрсатилади.
15.55 Жума кунлари Дисней. «Бўрсўқ билан гаплашган бола». Бадиий фильм. 1-серия.
16.45 Янгиликлар.
*
17.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.00 «Атом хавфига қарши» 2-кўрсатув.
19.30 Биз севган комедиялар. «Ёлғизларга ётоқхона ажратилади». Бадиий фильм.
*
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.30 «Москвадан гапирамиз».
22.10 «Оловли уй». Телемарафон. Курскдан кўрсатилади.
23.45 «Хроно». Авто ва мото спорт оламида.
00.10 «Мегаполис».

Шанба, 7. VIII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Классик ашулалар.
7.50 Шифокор маслаҳати.
8.00 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
8.15 Дунё воқеалари.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм.
10.30 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
11.10 «Мусиқали оила». Бухоро вилояти Ғиждувон шаҳрида яшовчи Фаттоевлар куйлайди.
11.40 «Чорраҳа». Жиззах вилояти ДАН бўлими ходимларининг иш фаолиятидан.
12.15 «Китоб ва ҳаёт».
12.50 «Ёшлик» студияси. «Ойдин орзулар».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Оромгоҳлар қўйнида».
18.30 «Хотира».
18.50 «Санъат олами».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Катталар учун мультфильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Санъат усталари ижросида концерт.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Мактуб—кўнгил ойнаси». Фарғона вилоятидан кўрсатув.
22.15 «Зарафшон». Телефильм.
22.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Олтин остона». Адабий-публицистик кўрсатув.
23.35 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.45, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.50 Эрталабки гимнастика.
6.00 Мультфильм.
6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
6.55 Янгиликлар.
7.35 «Спорт—имконият».
8.05 «Марафон-15» таништиради.
8.30 «Бумеранг».
9.00 Шанба куни дастхат.
9.30 «Рус олами».
10.10 «Авиакосмик салон».
10.25 «Ҳокимият сиймоси».
10.40 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сузиш. Англиядан кўрсатилади.
11.10 «Мулкдор алифбоси».
11.25 «Мусиқий дўкон».
11.55 Рус адабиётига бағишланган биринчи Бутунжаҳон конгресси ҳақида кўрсатув.
12.40 «Ўзига хос рақс».
13.25 «Мана шунақа кино...» В. Ежов. Ёзувчи ва драматург. 3-кўрсатув.
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Шаҳзода ва Сув париси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
14.50 Алла Баянова куйлайди
15.20 «Пул ва сиёсат».
15.50 «Ультра-Си». Спорт кўрсатуви. От спорти. Чавандозлар халқаро чемпионати.
16.30 «Уларни халқ сайлаган». Г. Алиев.
17.00 «Кунлардан бир куни...». Кольмареда VI халқаро фестиваль (Франция).
18.00 «Брэйн-ринг».
18.50 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Хьюстон рицарлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Хьюстон рицарлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
21.20 «Резонанс» студияси таништиради: «Канкан».
21.40 «Балерина бенефиси». Н. Дудинская.
22.35 «Москва Кремли бўйлаб саёҳат». Илмий-оммабоп фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Ялта—Москва—Транзит-93». Эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг VIII телевизион танлови. 3-кун.
01.10 Дярфаш (Миклош). «Уйғон ва қўшиқ куйла». Москва сатира театрининг фильм-спектакли.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Оламга ўз нигоҳи билан қараш.
7.55 Мульти-пульти.
8.00 «Кузирхоним».
8.30 «Ижица».
9.00 «Рост» студияси. «Биринчи тайм». «Бизнинг «Аралаш».
9.30 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
10.20 Кундузги сеанс. «Одам бўлмайди». Бадиий фильм.
*
11.55—18.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
12.05 «Бурч» кўрсатуви.
12.45 «Мусиқа оламида».
13.15 «Мен чет элда таҳсил олаяпман».
13.45 «Везнен мирас» (татар тилида).
14.25 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда».
14.50 «Бу турфа олам».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 «Чегарасиз футбол».
15.55 «Ўз ишининг усталари».
18.40 «Фильм-премьер».
*
17.00—18.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.30 Телеэкранда премьера. «Ҳамма ўзи учун...».
20.15 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати.
*
21.00 Туркия телевидениеси Хабарлар.
*
21.20 Спорт кўрсатуви.
21.25 «Омад кулиб боққанда».
22.25 «Каунтдаун». Оммабоп куйлар янгиликлари.
23.20 «К-2» таништиради.

Якшанба, 8. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
*
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.30 Болалар учун. «Тонгги салом».
9.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 27—28-сериялар.
10.30 «Бунёдкор».
11.00 «Қувноқ стартлар».
12.00 «Ҳамшаҳарлар».
12.45 «Ватанпарвар».
13.25 «Мусиқали учрашувлар».
14.05 «Ўзбекистон спорти».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Фотиманинг саргузаштлари». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
19.00 «Тадқиқот ва ҳамкорлик». Ўзбекистон Фанлар академияси Электроника институти.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 «Ойнаи жаҳонда».
20.15 «Навоий гулшани». Адабий кўрсатув.
21.00 «Ҳафтанома».
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Ўзбекистон куйлагай». Мусиқий кўрсатув.
22.40 «Мустақиллик йўлида». Кинокўрсатув.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

7.00—12.00
* * *
17.00—23.30
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»


5.40, 14.15, 18.00 — Кўрсатувлар тартиби.
5.45 Эрталабки гимнастика.
5.55 «Руҳни чиниқтириш».
6.55 Янгиликлар.
7.35 «Авто-шоу».
7.50 «Технодром».
8.00 «Марказ».
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер —динозаврларининг энг сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.00 «Ҳамма уйдалигида».
9.30 «Спортлото» тиражи.
9.45 «Ўз ёшлигингизни узайтиринг». А. Дерябин билан учрашув.
11.00 «Ҳарбий ревю».
11.30 «Пи белгиси билан».
12.20 «Янги авлод танлайди». «Кўзгу».

«КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:

13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
14.00 Янгиликлар.
14.20 Мультфильм.
14.35 «Саёҳатчилар клуби».
15.25 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
16,15 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.20 Эфирда бевосита мулоқот.
17.05 «Шам ўчиб қолмаслиги учун». Л. Гумилев.
17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.05 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Телеэкранда биринчи марта. «XX аср динозаврлари». Бадиий фильм («Катарсис» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси).
20.55 Эълонлар.
21.00 «Якунлар».
21.55 «Ялта—Москва—Транзит-93». Эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари VIII телевизион танловининг ёпилиши. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ҳужжатли фильм премьераси.
7.55 «Хайрли тонг!».
8.25 «Тула мотивлари».
8.55 «Рост» студияси. «Гўзал қизлар», «Биринчи тайм».
9.25 «Агар сизга....».
9.55 «Аты-баты...».
10.25 Кипрас Мажейка. «Ил-96» ва «Бродвей оҳанглари». 2-кўрсатув.
11.00 Такрорий фильмлар кинотеатри. «Порла, порла, менинг юлдузим».
12.30—16.05
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
12.30 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
12.40 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида».
13.10 Шарқ халқлари қўшиқларини Р. Шарипова ижро этади.
13.55 «Чинсан» (корейс тилида).
14.40 «Мулоқот орқали ҳамкорлик сари». Тошкентда жаҳон банки ваколатхонасининг очилиши ҳақида.
15.10 «Гавайга саёҳат».
15.40 «Бу турфа олам».
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.05 Диснейнинг сеҳрли олами». «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плащ».
*
17.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.00 Эй-Би-Си якшанба оқшомида. «Миллионни ўғирлаш». Бадиий фильм.
20.45 «Дастлабки нусхаси».
*
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.28 «Владимир Познернинг Америкаси».
21.40 «А» программаси.
22.40 «Атом хавфига қарши», 3-кўрсатув.



• *Хотира*

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олган бўлажак иқтисодчилар-у агрономлар, ҳойнаҳой, «Тупроқшунослик асослари ва деҳқончилик» деган қўлланмани ўқиган, балки конспектлаштирган чиқарлар.



ТУПРОҚ ИЛМИНИНГ УСТОЗИ

Китоб муаллифларидан бири — Акрам Расулов ҳақида, олимнинг бундан ташқари «Колос» (Москва), «Фан», «Ўзбекистон» нашриётларида чоп этилган кўплаб монографиялар, қўлланмалари борлигини, умуман, илмий салоҳиятини тупроқ илмига бағишлаган аллома фаолиятининг барча қирраларини тўла билмасликлари мумкин. Зеро, туби чуқур дарёлар шовқинсиз ва тинч оққанларидек, ўз соҳасида камолотга эришган етук олимлар ҳам беҳуда шовшув кўтариб юришни ёқтирмайдилар, Акрам Расулов ҳам бутун қобилиятини «тошда гул ундириш» — илмий тадқиқотларга бағишлади. вақтини тажриба лабораторияларида, нав синаш станцияларида, чўл ва қирларда ўтказди. Ҳақиқий илм фидойиси қарийб ўн йилдирки, тириклар сафида йўқ, бироқ ёркин хотиралар, миннатдорлик туйғулари ва яхши ном олишлари қалбида яшамоқда.

Мабодо, Акрам Расулов ҳақида гап кетгудек бўлса, кўпинча унга нисбатан «биринчи» сифатини қўллашга тўғри келади. Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги институтида урушдан кейин Ўрта Осиёда биринчи бўлиб агрохимия-тупроқшунослик факультети очилди. Акрам Расулов мазкур факультетнинг дастлабки битирувчиларидан бўлди ва кейинчалик улар орасида биринчи бўлиб фан доктори илмий даражасига эришди. Профессор А. Расулов ўзбеклардан чиққан биринчи тупроқшунос олим эди, унинг илмий изланишлари собиқ СССР мамлакатларида ва чет элларда катта қизиқиш уйғотганди. Жумладан, 1976 йилда Москвада ўтган агрохимик-тупроқшуносларнинг X конгрессида (СССРда — биринчи ва охирги марта) «Пахта майдонлари тупроғининг маҳсулдорлигини ошириш» деган монографияси катта шовшувга сабаб бўлганди. Ўша пайтда соҳа мутахассислари Қарши чўлларининг ўзлаштирилиши ва унинг истиқболига катта қизиқиш билан қарардилар. А. Расуловнинг асарида жуда кўплаб саволларга, жумладан, чўлни ўзлаштириш Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиёга келтириш билан яхлит компонент эканлиги, бирисиз иккинчисига зўр бериш кутилган натижани бермаслиги илмий асослаб берилганди. Олимнинг хулосалари И. С. Рабочев, В. А. Кольда, В. В. Егоров сингари йирик мутахассисларнинг эътиборини тортган, улар Ўрта Осиёда тупроқшунослик соҳасида тан олинган олим пайдо бўлганини эътироф этган эдилар. Акрам Расуловнинг иқтидорини Н. Успанов (Қозоғистон), О. Маметов (Қирғизистон), М. Чориев (Туркманистон) жуда қадрлашар, катта-кичик масалаларда ундан маслаҳат олишарди. Ўз республикасининг етакчи агрохимик-тупроқшунослари ҳисобланган бу зотлар учун А. Расулов тажрибада эришган натижалар барометр вазифасини бажарарди.

Акрам Расуловнинг илмдаги йўналиши, асосан одам зотини боқадиган, кийинтирадиган, унга тиргак бўлиб турадиган илоҳий неъмат — тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган. Мутахассислар тупроқни ҳам тирик организмга қиёслайдилар: у нафас олади, яшайди, касалланади. Гарчи бир қарашдаёқ бойликларнинг улкан хазинасидек туюлса-да, у ҳам битмас-туганмас эмас. Хусусан суғориладиган майдонлар ўзига хос парвариш ва эътиборни талаб қилади. Шунингдек, ернинг умрини бекорга ўтказмай, ундан мўл-кўл ҳосил ундиришнинг ўзига хос жиҳатлари борки, бу юмуш билан, таъбир жоиз бўлса, илк бугдой бошоғи ерга тушган матрёархат давридан буён шуғулланишади. Тупроқшунослик деб аталган фан каттакон илмий асосга эга, унда бирор янги гап айтиш анча масъулиятли эканига шак-шубҳа йўқ. Қувончли томони шундаки, ҳамюртимиз Акрам Расулов тадқиқотлари янги ўзлаштирилаётган бўз ерлар агрохимияси, мелиорацияси бўйича анчагина янгиликлар олиб кирганди. Олим Қарши чўли мисолида Ўзбекистон тупроқларининг таснифини тузиш, табиий шароитларини таърифлаш соҳасида ўз дастхатини яратди. Янги ерлар очишнинг катта заҳираси ҳисобланган қўнғир-бўз тупроқли ерларни ўзлаштириш тажрибаларини умумлаштирди. Албатта, табиий сувсиз, бўз ерларни ўзлаштириш, бундай жойларга сунъий йўллар билан сув келтириш баъзи асоратларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Жумладан, ерларнинг шўрланиб кетиши катта хавф туғдиради. Хўш, шундай шароитда қандай йўл тутилади? А. Расуловнинг СоюзНИХИ Қашқадарё бўлимида (ҳозир Ўзбекистон республикаси Қишлоқ хўжалик Фанлар академияси Пахтачилик илмий текшириш институти Қашқадарё шохобчаси) 1—69 йилларда олиб борган илмий изланишлари натижаси ўлароқ қўлга киритилган самаралар бу саволга тўла жавоб беради. Олим тузган кўплаб жадваллар, чизмаларда тупроқ таркибида рўй бериши кузатилган ўзгаришлар ва уларнинг олдини олиш йўллари кўрсатиб берилганки, бу маълумотлар ҳозир амалиётда кенг қўлланилмоқда. Қадимги деҳқончилик маданияти ва илмий хулосалар тупроқ унумдорлигини сақлаб қолишда алмашлаб экиш режимига қатъий амал қилишни, маҳаллий ва маъданий ўғитларни қўллашда мутаносиблик бўлишини, айниқса, суғоришни қатъий тартиб билан амалга оширишни талаб қилади. Хуллас, атрофимизда ястаниб ётган заминни қоплаган, оёқларимиз остида ҳоксор бўлиб топталаётган тупроқ ҳам одамлардан катта эътибор, қайноқ меҳр сўрайди. Албатта, бу ҳақиқатни профессор Акрам Расулов аллақачон тушуниб етган эди, шу ишқ билан яшади, бутун салоҳиятини шунга бағишлади.

Одатда ҳар бир соҳада, айниқса, илм-фанда бирор натижага эришиш кишидан фидойилик талаб қилади. Фидойилик — шу соҳага бўлган чексиз садоқат ва муҳаббатдан ташқари жисмоний ва руҳий чарчоқларни енгишга етадиган куч-қувват, катта мақсад йўлидаги баъзи ғояларни бартараф учун теран қалб ва яна бошқа кўплаб ижобий сифатлардир. Акрам Расуловни яхши билганлар бу кишида худди шу фидойилик тўлиб-тошганлигини эътироф этишади.

— У иш билан шунчалар банд бўлардики, қачон дам олишга улгурганини билмасдик, — дейди унинг яқин дўстларидан профессор Ирисали Ниёзалиев — кафедра мудирлиги, илмий кенгаш раислиги, талабаларга ўқиладиган маърузалар ва тадқиқотларга баробар улгурарди. Булардан ташқари у собиқ СССР миқёсидаги мелиорация бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг, Давлат режа қўмитасида эксперт комиссиясининг аъзоси эди. Табиатан сергавқ, оққўнгил одам эди. Қисқа суҳбатларимизда ҳазил-мутойиба билан ҳамманинг кўнглини очар, менимча, шундай қилиб ўзи дам оларди. Акрамда ўз рақибига шафқат кўрсатиш, ўрни келганда ундан бераз ёрдамини аямаслик каби тантилик бор эди. Бир гапни кўп такрорларди: «Сенга яхшилик қилсам, эртага буни болаларимга «ёмонлик» деб айтмайсан».

Ёмонларни яхшилик қилиб уялтирган, устидан иғво қилганларга ҳам ёрдам берган бағри кенг инсон Акрам Расулов ўз халқига хос фазилатларни намойиш қилиб яшади. Албатта, ўша пайтдаги баъзи чеклашлар олим истеъдодининг барча қирралари намоён бўлишига моънелик қилгани шубҳасиз. Жумладан, у ўзбек тилида дарсликлар яратишга киришганда ундан кулганлар, зимдан тазйиқ ўтказганлар бўлган эди. Унинг ўткир нигоҳи бугунги кунларимизни кўра олган экан.

Қашқадарё вилояти, Касби туманида пахтачиликдаги илмий тадқиқотлар билан шуғулланадиган чоғроқ марказ бор. Шу ерда профессор Акрам Расулов узоқ вақтлар тажрибалар ўтказган, кашфиёт билан шуғулланган. Мабодо, шу гўшада мўътабар олимнинг хотираси ёдга олиб турилса, бир илм фидойиси руҳига ҳурмат бўларди. Бу фарзандларининг, шогирдлар ва дўстларининг кўнгил истаги.

Ўткинчи дунёда хайрли ишлар боқий экани аллақачон тан олинган. Мамлакат истиқболи, халқ ва миллат фаровонлиги йўлида эзгу ишларга қўл урган олимнинг номи ҳам эъзозланади, албатта.

Ҳаким САТТОРИЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Луқма*

НЕГА СУРАТГА ОЛДИРИШМАДИ?

Биз Бувайда тумани ҳокими Олимжон Назаров билан туман истиқболи ҳақида суҳбатлашганимизда, у Янгиқўрғон ип йигириув фабрикаси ҳақида илиқ фикрлар айтиб, бизга у ердаги илғор ишчиларни суратга олишни тавсия қилди.

Фабрикада бизни бош муҳандис Маҳмуджон Султонов очиқ чеҳра билан кутиб олди. Хамроҳим туман ҳокимияти вакили «Халқ сўзи»дан келганимни, илғор ишчиларни суратга олиш ниятида эканлигимни айтди. Шунда бош муҳандис «Бизга ҳам эътибор бериб, келганингиз учун раҳмату... лекин ҳозир сизларга цехларга кириб сурат олишингизни маслаҳат бермайман», деди.

Ҳокимият вакили ҳам, мен ҳам бу «маслаҳат»дан тушунмай ҳайратда қолганимизни кўрган Маҳмуджон:

— Ҳозир иш ҳақини ўз вақтида бера олмаяпмиз. Куни — кеча юқори идорамиздан раҳбарлар келишганди. Уларга шу ҳақда айтилди.

Биз Маҳмуджонни тўғри тушундик. Ахир сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш режасини ошириб бажариб... эвазига ўз вақтида ойлик маоши ололмаётган киши кўнглида ғашлик бўлмайдими?

— Ҳар бир ишчи ҳисобига июнда 25 минг, июлда 40 минг сўмдан ойлик маош тўғри келмоқда, — деб дардини тўкиб солишда давом этади бош муҳандис. — Лекин бизнинг ҳисобимизда етарли пул йўқ. Яқинда Россияга маҳсулот жўнатгандик. Ҳозирги кунда шу маҳсулотга келган пулни зўрга эплаб турибмиз. Агар биздан маҳсулот олган Андижон ПХБО бирлашмаси, Ильчевск пайпоқ тўқиш фабрикаси, Тошкентдаги тўқув фабрикаси, «Малика» фирмалари ҳисобимизга ўтказишлари лозим бўлган 20 дан 100 миллион сўмгача маблағни беришганда, бундай қийин вазиятга тушмасдик.

Бош муҳандиснинг куйганича бор. Нарх-наво кун сайин ўсаётган пайтда фабрика ишчилари ойлик маошларини ўз вақтида олишларини талаб қилишяпти. Корхона раҳбарлари эса буюртмачилар халқимизнинг ҳисобли дўст айрилмас, деган нақлига амал қилиб, лозим бўлган маблағни ўтказишларини кутишяпти.

Биз фабрика ишчиларига сабр тоқат тилаб, суратга ололмай қайтдик.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Истиқлол сурури*

Болалар боғчаси ватанпарварлари тарбияласин

Мен қарийб 22 йилдан бери болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайман. Мана шу давр ичида бизнинг масканимизда юзлаб, минглаб бола тарбия топди. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ишимизда ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Ҳалқимизда «Бола бошидан», деган нақл бор. Шуни назарда тутган ҳолда биз болаларга Ватан, миллий ғурур, истиқлол тушунчаларини сингдириб боришга ҳаракат қиляпмиз.

Тарбиячи ҳар бир бола табиатини яқиндан билишга ҳаракат қилади. Агар боғча опа боланинг қобилиятига, руҳиятига мос топшириқ бермаса, у билан мунтазам шуғулланмаса, болада лаёқатсизлик ва қайдлик «касаллиги» пайдо бўлади. Биз болани мана шу иллатнинг гирдобига тушиб қолишидан асраишимиз даркор. Чунки бу иллат бола камолотига путур етказади. Болалар катталарга нисбатан тақлидчан бўладилар.

Болаларга миллий қадриятларимиз, тарихий бойликларимизни асраб-авайлаш, уларга ҳурмат ҳақида «қуруққина» гапириб қўймасдан, балки худди мана шу нарсаларни ривоятлар, эртаклар асосида тушунтириб бериш лозим. Шундай қилинса, бу нарсалар бола хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолади.

Халқимиз қадимдан тарбиянинг ибратли урф ва анъаналарини яратган. Шарқона тарбия мактаби эндиликда соҳамизга дадил кириб келмоқда. Биз миллийликка йўғрилган кўплаб машғулотларни ишимизга жорий қилаяпмизки, бу келажак авлоднинг ҳақиқий ватанпарвар бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг мақсадимиз келажагимиз бўлмиш болаларда боғча остонасидаёқ она-Ватанга, ота-боболар меросига ҳурмат, меҳр уйғотишни тарбиялаш. Айни кунларда биз ҳам мустақиллик кунига бағишлаб махсус бадиий дастурлар яратаяпмиз. Бу байрамни боғча болаларининг завқ-шавқи янада жозибали қилиб юборади.

Муаззам ҚЎЧҚОРОВА,
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани.

«ТЕАТР: ШАРҚ ВА ҒАРБ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ

БМТ ЮНЕСКО ҲОМИЙЛИГИДА ЎТАДИ

Тошкентда бўладиган театр анжуманига нуфузли халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик қилиши Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибори тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради. Халқимизнинг ўзига хос санъати, қадимий маданиятига қизиқиш жуда катта.

Мазкур фестиваль келгусида Лондон, Қоҳира, ва бошқа шаҳарларда ўтаётган саҳна санъати анжуманлари қаторидан муносиб жой олиши мумкин.

«ТЕАТР: Шарқ ва Ғарб» фестивалида иштирок этиш учун дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатлари театр жамоаларидан буюртмалар тушди. Бу давлатлар ичида Озарбайжон, Буюк Британия, Германия, Бразилия, Гонконг, Греция, Ҳиндистон, Италия, Канада, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Молдова, Португалия, Руминия, Тайвань, Россия, Татаристон, Туркманистон, Туркия, Франция, Япония сингари давлатлар бор.

Ўзбекистон пойтахтида 23—30 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган халқаро театр фестивалини ўтказиш ва ташкил қилишда жаноб Холид Малик бошчилигидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳар томонлама ёрдам беради.

Фестиваль бош дирекцияси ҳомийларга миннатдорчилик изҳор этади ва янги таклифларни кутиб қолади.

• *Велопойга*

НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА...

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сонида «Жамолиддин етмиш бешинчи» дея иқтидорли велопойгачимизнинг «Тур де Франс» турнирида имконияти даражасида қатнашолмаётганлигига киноя билдирган эдик. Буни қарангки, эртаси кунги босқичда бизнинг кинояни ҳис қилгандек Жамолиддин Абдужабборов маррага биринчи бўлиб етиб келди. У Вири Шатийон — Париж оралиғидаги 196,5 км масофани 5 соат 27 дақиқа 2 лаҳзада босиб ўтди.

Шундай қилиб ҳамюртимиз мусобақанинг энг фаол велопойгачисига бериладиган кўк майка соҳиби ва 100 минг франкга эга бўлди. 29 ёшли Испания спортчиси Мигель Индурайн «Тур де Франс» турнирида учинчи марта ғолиб чиқди. У умумий ҳисобдаги 3720 км масофани 95:57,09 кўрсатгичда босиб ўтиб, иккинчи ўринни эгаллаган Тони Ромингерни 4 дақика 59 лаҳза ортда қолдирди. Бу бир томондан унга сариқ майкада қолиш имконини берган бўлса, иккинчи томондан ўз шахсий ҳисобига бир миллион франкдан ортиқ маблағ олиб келди. Тог киноли майкаси ҳамда 150 минг франк Ромингерга насиб этди.

Эслатиб ўтамиз, Жамолиддин Абдужабборов бу мусобақада Испаниянинг жамоаси таркибида майдонга чиқди. Агар Осиё Конфедерацияси рухсат берса велопойгачимиз Осиё ўйинларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Р. ЖУМАЕВ.



• *Қишлоқ спорти*

ФУТБОЛЧИЛАР КУЗГИ МАВСУМГА ШАЙ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қишлоқда футболнинг янада оммалашувига муҳим бир омил бўлди.

Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманида ҳам футболни янада ривожлантириш, ёшларни жисмоний етук қилиб тарбиялаш, тумандаги жисмоний тарбия ва спорт жамоаларининг вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашувини таъминлаш мақсадида муҳим амалий тадбирлар кўрилмоқда. Еттита хўжаликда футбол жамоалари тузилди. 7 та ўйингоҳ фойдаланишга топширилди. Туман марказида беш минг ўринли жисмоний тарбия ва спорт мажмуи қурилиши бошлаб юборилди. Бугунги кунда туманнинг «Умид» жамоаси вилоят биринчилигида қатнашяпти.

Яқинда туман футбол федерациясининг ташаббуси билан «Меҳнатобод» хўжалигида республика хизмат кўрсатган пахтакор Аҳмад Хўжаев хотирасига бағишланган футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақага «Меҳнатобод» ширкати ҳомийлик қилди. Албатта, марҳумнинг оиласи ҳам бу тадбирга четдан қараб тургани йўқ.

Хўжалик марказий ўйингоҳида уч ҳафта давом этган футбол турнири турли мавзудаги оммавий-маданий тадбирлар билан уйғунлашиб, қишлоқ меҳнаткашларининг мароқли дам олишига хизмат қилди.

Қизиқарли ўтган футбол мусобақасида Э. Қаҳҳоров номли хўжаликнинг «Суғдиёна» жамоаси бош совринни қўлга киритди. «Меҳнатобод» жамоаси иккинчи, Й. Оҳунбобоев номли давлат хўжалигининг «Мўминтой» жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг энг яхши дарвозабони, ҳимоячиси, ҳужумчиси, моҳир тўп урари, шунингдек энг кекса ҳамда ёш футболчиси Э мингдан 5 минг сўмгача пул мукофоти билан тақдирландилар.

Яқин кунларда футбол бўйича туман биринчилигининг кузги мавсум ўйинлари бошлаб юборилади. Октябрь ойининг ўрталарида якунланадиган бу мусобақанинг ғолибини 100 минг сўм пул мукофоти кутяпти. Чемпион келаси йили вилоят биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Абдураззоқ УСАРОВ,
мусобақа ташкилий қўмитаси раиси.

"РУСТАМБАНК" УНИВЕРСАЛ ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ 1993 йил 1 июлдаги БАЛАНСИ

минг сўм ҳисобида

ФАОЛ		СУСТ	
Касса	90	Устав фонди	229,838
Банк ҳисобидаги маблағлар	261,905	Резерв фонди	2,406
Қарз (ссуда) маблағлари	808,367	Аммортизация фонди	532
Резервлар (биргаликда хўжалик фаолияти юритиш ва бошқалар учун ўтказилган маблағлар)	256,253	Талаб қилиб олинадиган депозитлар	619,544
Асосий маблағлар ва хўжалик жиҳозлари	50,641	Муддатли депозитлар	228,753
Ижара ва лизинг учун берилган асосий маблағлар	177,404	Бошқа банклардан олинган фондлар	525,000
Келгуси муддатларнинг харажатлари	2,562	Иқтисодий-йўналтириш фонди	8,635
Бошқа активлар	85,766	Бошқа пассивлар	1,645
Зарар	0	Солиқларгача бўлган фойда	26,635
ЖАМИ:	1,642,988	ЖАМИ:	1,642,988

Банк барча жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга банк хизматларининг тўлиқ мажмуини йилига 65 процент фойдаси билан ҳавола этади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Муҳиддинов, навбатчи — М. Холматова.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001 Буюртма Г—441. 97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А 2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 23.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6